

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари80

С.ЮЛДАШЕВ, Ҳ.АҲМЕДОВА

Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари83

Н.ҲАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ

Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш86

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.ЮЛЧИЕВ

Хроңотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида)89

С.ЖУРАЕВА

Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар92

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари98

Р.ДАМИНОВА

Туркий шеърятда ғазал102

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқсизлик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида106

З.АЛИМОВА

Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган *но-* префиксли сўзлар хусусида109

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти113

Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА

Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари117

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули121

Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ

Қорхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари123

М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси126

А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида)129

М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар131

Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси133

М.А.НАЗРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўникмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар136

Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида140

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Жаҳонга танилган олим143

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография147

КОРХОНАНИНГ АМАЛИЙ ФАОЛЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Олимова, А.Миножидинов

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарининг амалий фаоллиги ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини ривожлантириш ва инновациялардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари хусусида фикр юритилади.

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы развития показателей эффективности и практической деятельности производственных предприятий, а также анализируются основные направления использования инноваций в данном направлении.

Annotation

This article discusses the main directions of the use of innovation in the country, the practical activity of the industrial enterprises and the efficiency of performance indicators.

Таянч сўз ва иборалар: корхона, самарадорлик, инновация, самарадорлик кўрсаткичлари, фундаментал тадқиқотлар.

Ключевые слова и выражения: предприятие, эффективность, инновация, показатели эффективности, фундаментальные исследования, рентабельность.

Keywords and expressions: enterprise, effectiveness, innovation, efficiency indicators, fundamental researches, profitability.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 21 декабрь кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва корхона фаоллигини янада оширишни рағбатлантириш мақсадида: "...Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефт-газ ва нефт-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озик-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор.", - деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар [1].

"2017 йилда иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни қўйдик. Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу, биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электрстанцияси дабуғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электрстанциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизил қум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобига 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Яқин ва узоқ истиқболда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиб боришига иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш борасидаги ислохотлар

Н.Олимова – ФарДУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

А.Миножидинов – ФарДУ иқтисодиёт йўналиши талабаси.

замин яратади. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун **Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур** керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим"[1].

Демак, юқорида келтирилган кўрсаткичларга эришиш учун бевосита корхоналарда рентабелликни ошириш ва амалий фаолликни таъминлаш талаб этилади. Корхоналарда рентабелликни ошириш ва амалий фаолликни таъминлаш кўрсаткичлари корхона ўз маблағларини қанчалик самарали ишлаётганлигини таҳлил қилиш имконини беради. Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолиятининг қанчалик фойда беришини акс эттиради. Бу кўрсаткичлар олинган фойданинг сарфланган маблағларга нисбати ёки сотишдан олинган фойданинг сотилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади [2.223].

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро алоқада ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади. Рентабеллик даражаси корхоналар фаолиятида бажарилаётган вазибаларни олдиндан аниқлайди:

- рентабеллик кўрсаткичи корхоналар фаолиятига сарфланган сармояларни, ўзини-ўзи қоплашини аниқлайди. Демак, корхоналар ўзини-ўзи қоплаши учун рентабеллик 12-14 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

- ҳозирги пайтда ҳамма корхоналар фаолиятида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш амалга оширилиши, молиялаштириш имкониятларига эга бўлишлари керак, яъни олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириб, унинг техникавий даражасини кўтариб бориш лозим;

- маълумки, корхоналар ўзларининг маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўзлик манбалардан, яъни корхоналарга тегишли манбалардан ҳамда ташқаридан олинадиган узоқ ва қисқа муддатли қарзлардан фойдаланиши мумкин;

- республикада ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти қурилаяпти. Бунинг учун республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаяпти. Корхоналарда бу масалани ечиш учун улар керакли даражада рентабелликка эга бўлишлари лозим.

Инновациявий жараёнларнинг иқтисодий ривожланишдаги роли технологик базани янгилаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги бозорларни эгаллаш ва бу билан иқтисодий ўсишнинг янада юқори суръатларига эришишда ўз аксини топади. Инновациявий ривожланиш омиллари замонавий босқичдаги иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган ҳолда, ишлаб чиқариш соҳасининг кўпгина хусусиятларини ҳам белгилайди [3].

Инновацион асосга эга бўлган иқтисодий ривожланиш масаласини ечиш жараёнида, корхона инновациявий мақсадлар тизимини ифодалаш лозим. Бу, айниқса, ўз ривожланишининг фаол стратегиясини амалга ошираётган корхоналар учун муҳимдир [4].

Корхоналарда инновациявий бошқарувнинг мақсади, вазибалари ва услубларининг тадқиқотини давом эттириш учун инновациявий бошқарув объектини ифодалаш ва унинг асосий тавсифлари ва хусусиятларини аниқлаш лозим [3].

Янгилик самарадорликни ошириш бўйича фаолиятнинг бирор соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, ишланма ва тажрибалар натижасидир. Янгиликлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин: кашфиётлар; товар белгилари; рационализаторлик таклифлари; янги такомиллаштирилган маҳсулот ёки технология ҳужжатлари; ноу-хау; илмий ёндашувлар ёки тамойиллар; маркетинг тадқиқотлари натижалари ва ҳ.к.

Асосий мақсад янгиликни жорий этган ҳолда уни инновация шаклига айланттириш, яъни инновациявий фаолиятни тугаллаш ва ижобий натижага эга бўлган ҳолда инновациялар диффузиясини давом эттиришдир.

Инновация бошқарув объектини ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ва бошқа самара турларини олиш мақсадида янгиликни жорий қилиш натижасидир [4.15-17].

Замонавий шароитларда инновациявий фаолият инновацияларни бошқариш тизимининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Аммо инновацион фаолият тўғрисида, инновация объекти сифатида тўлароқ тасаввур шакллантириш учун ушбу тушунчанинг бир неча жиҳатларини кўриб чиқиш лозим:

- биринчидан, бу, объектив иқтисодий

қонунлар асосидаги фан ва техниканинг ўзаро боғлиқ ривожланиш жараёнидир. У, хўжалик амалиётида янги илмий билимларни яратиш, тарқатиш ва амалий қўлланиш йўли билан, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган, ишлаб чиқариш базаси янгиланишини

назарда тутати;

- иккинчидан, бу, ишлаб чиқариш инновациявий салоҳиятини ташкил этувчи элементлар мажмуасидан фойдаланишдир. Бу ерда юқори малакали илмий ва ишлаб чиқариш кадрларини эксплуатация қилиш соҳасидаги жараён ва ҳодисалар ҳамда ходимларнинг корхона инновациявий фаолияти натижаларига бўлган қизиқишини рағбатлантирувчи ташкилий, ижтимоий, экологик, ҳуқуқий тадбирлар кўриб чиқилади. Бундай тадқиқотларнинг натижаси олдин номаълум бўлган қонунлар, объектив мавжуд ҳодиса ва жараёнларнинг илмий кашф этилишидан иборат.

Инновацион жараён жуда ҳам кенг тушунча бўлиб, уни турли нуқтаи назардан турлича талқин қилиш мумкин. Биринчидан, бу илмий-тадқиқот, инновациявий, ишлаб чиқариш фаолияти ва маркетингнинг параллель - кетма-

кет амалга оширилишидир. Иккинчидан, уни янгилик, ҳаётий циклининг вақтинчалик босқичлари сифатида кўриш мумкин. Учинчидан, маҳсулот ёки хизматлар янги турини ишлаб чиқиш ва тарқатишни молиялаштириш ва инвестициялаш жараёнидир [3].

Инновацион жараён қуйидаги тузилма билан таърифланиши мумкин:

- *фундаментал тадқиқотлар* - *амалий тадқиқотлар* - *тажриба* - *конструкторлик ишлари* - *бирламчи ўзлаштириш* - *тарқатиш* - *янгиликдан фойдаланиш ва унинг эскириши* — *янгиликни такомиллаштириш ва янги фундаментал натижалар зарурияти.*

Алоҳида битта босқичда бошқарув механизмини такомиллаштириш бутун инновациявий жараён натижавийлигини оширмаслиги ҳам мумкин. Корхонада инновациявий фаолиятни бошқаришнинг самарали тизимларини яратиш ва ривожлантириш имконияти кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришнинг шаклланган даражаси, бошқарув тизими ва механизмнинг аҳволи, бошқарув ташкилий тузилмасининг тури ва йўналтирилганлиги, хўжалик ва инновациявий сиёсат тенденциялари ва б. шулар жумласидандир [3].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси бўйича маърузаси. -uz.uz // 22.12.2017
2. Ақромов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2010.
3. Комилжонов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш. Ўқув қўлланма. -Т., 2007.
4. Ионов М., Кулагин А., Логинов В. Инновационная стратегия. - М., 2005.

(Тақризчи: М.Адхамов – иқтисод фанлари доктори, профессор)